

Риёзус-солиҳин дарслари
Қуръонни тез-тез ўқиб туриш ва уни унутиб
қўйишдан огоҳлантириш боби.

[Ўзбекча]

Абу Абдурахмон Насафий

Мухарир: Шамсиддин Дарғомий

باب الأمر بتعهد القرآن والتحذير عن تعريضه للنسيان

Қуръонни тез-тез ўқиб-такрорлаб туришга буюриш ва уни унутиб қўйишдан огоҳлантириш боби.

عن أبي موسى رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: تعاهدوا هذا القرآن فوالذي نفس محمد بيده لهو أشد تفلتاً من الإبل في عقلها متفقٌ عليه.

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анху ривоят қилишларича: Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: " Қуръонни (доим тиловат қилиб, ёдлаган сураларингизни) такрорлаб туринглар. Жоним қўлида бўлган зотга қасамки у туя арқонидан ечилиб кетишидан кўра тезроқ ёддан кўтарилади."-деган эканлар. (муттафақун алайҳ)

وعن ابن عمر رضي الله عنهما أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: إنما مثل صاحب القرآن كمثل الإبل المعقلة، إن عاهد عليها، أمسكها، وإن أطلقها، ذهبت متفقٌ عليه.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳума ривоят қилишларича пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: "Қуръон соҳиби худди эгаси тез-тез хабар олиб турса, ушлаб қоладиган, бўш қўйиб юборса, кетиб қоладиган сиртмоқланган туяга ўхшайди."-дедилар. (муттафақун алайҳ)

Шарҳ:

Муҳтарам ва азиз биродарлар! Қайси биримизга Оллоҳ таъоло қуръон ўқиб, уни ёд олишни насиб этган бўлса, бу неъматни шукрини қилиб, уни вақти- вақти билан такрорлаб туришимиз керак бўлар экан. Чунки, қуръони карим пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам қасам ичиб айтганларидек тез-тез хабар олиб турилса, боғлиқлигича қоладиган, бўш қўйиб юборилса, ечилиб қочиб кетадиган боғлиқ туяга ўхшайди. "Чунки туя одатда имкон топилса, ечилиб қочиб кетишга ҳаракат қилади, ундан тез-тез хабар олиб, боғлаб турилмаса, ечилиб қочиб кетади. Шунингдек қуръонни ёдлаган киши ҳам уни тез-тез дарс қилиб, такрорлаб турмаса, ёдидан кўтарилиб кетади."-дейди Ибни Ҳажар роҳимахуллоҳ.

Ибни Баттол роҳимаҳуллоҳ эса: Бу ҳадис икки оятга мувофиқ келади; бири Оллоҳ таъолонинг : "Зеро, Биз Сизга оғир Сўзни- Қуръонни туширажакмиз. " (*Муззаммил 5*)– деган ояти бўлса, иккинчиси: "Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр- эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. " (*Қамар 17*) -деган оятидир. Ким тез-тез ўқиб такрорлаб турса, уни осон қилади, ким ундан юз ўгирса, ёдидан кўтарилиб кетади.-дейдилар. Шунинг учун ҳар куни бир ё икки ё уч пора ўқишни ўзимизга вазифа қилиб олсак, уни бир ой ё ярим ой ё ўн кунда хатим қиламиз. Бу эса, уни ёдимиздан чиқмаслигига сабаб бўлади. Ҳолбуки қуръонни бепарво ташлаб қўйиб, унитишликдан огоҳлантириш борасида бир неча ҳадислар келган. Қуръонни такрорлаб туриш фақат уни ўқиш эмас, балки унга амал қилишни ҳам ўз ичига олади. Чунки бир нарсага амал қилиш уни ёдда қолишига сабаб бўлади. Шу сабабли баъзи уламолар: "Олган илмингни унга амал қилиш билан боғлаб қўй"-деган экан. Яна шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки қуръонни ўқийдиган киши шошмасдан, тафаккур қилиб ўқиши керак. Уни баъзи ҳарфлари тушиб қоладиган тарзда тез ўқимаслик керак. Чунки баъзи ҳарфлар тушиб қолса, Оллоҳ таъолонинг каломини ўзгартириб қўйиши мумкин. Аммо, ҳарфлари тушмайдиган тарзда тез ўқилса, унинг зиёни йўқ. Оллоҳ азза ва жалладан барчамизни қуръон аҳлидан қилиб, уни кечаю кундуз тиловат қилиб, унга амал қиладиган бахтли инсонлардан қилишини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

﴿ دروس رياض الصالحين ﴾

باب الأمر بتعهد القرآن والتحذير عن تعريضه للنسيان

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الرحمن النسفي

مراجعة: شمس الدين درغامي

حقوق الطبع والنشر لعموم المسلمين